

Хориждаги ёш ватандошлар учун Ўзбекистонда “Анор” лойиҳасини ўтказиш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1.1 Ушбу Низом хорижда истиқомат қилаётган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлгача ёш ватандошларни (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2018 йилдаги ПҚ-3982-сон қарори 1-илоvasи) Ўзбекистондаги ва бошқа хорижий мамлакатлардаги ёшлар билан таништириш, улар ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида ташкил этиладиган “Анор” лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) тартибини белгилайди.

1.2 Лойиҳа Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилади.

1.3 Лойиҳанинг ташкилий масалалари “Ватандошлар” жамоат фонди (кейинги ўринларда – Фонд) томонидан мувофиқлаштирилади.

1.4 Лойиҳага иштирокчиларни жалб қилиш ва уларни танлашда шаффофликни таъминлаш мақсадида Ишчи гуруҳ ташкил этилади. Ишчи гуруҳ таркибига лойиҳа ташкилотчилари, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда жамоатчилик аъзолари киритилади.

II. Лойиҳа ташкилотчилари ва уларнинг вазифалари

2.1 Лойиҳа ташкилотчилари – Фонд, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги.

2.2 Ташкилотчиларнинг асосий вазифалари:

Фонд – номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш, уларни саралаш, интервью ташкил этиш ва ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш.

Ташқи ишлар вазирлиги – Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари орқали ёш ватандошларни лойиҳа юзасидан хабардор қилиш, лойиҳа иштирокчиларини зарур ҳолларда соддалаштирилган виза расмийлаштириш ишларини мувофиқлаштириш.

Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси – лойиҳага онлайн ҳужжат топширган номзодларни саралаш, интервью ташкил этиш ва суҳбат жараёнларида уларни танлашда шаффофликни таъминлашга кўмаклашиш;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси – ёз мавсуми давомида белгиланган тартибда шартномага асосан болалар соғломлаштириш оромгоҳларида болалар учун шароитлар яратиш ва қизидарли дастур ҳамда миллийликни тарғиб этувчи турли тадбирлар ташкил этиш.

Республика Маънавият ва маърифат маркази – маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, миллий қадриятларни тарғиб қилиш.

Ички ишлар вазирлиги – иштирокчиларни оромгоҳга автотранспортда етиб келиш ва қайтиб кетишида йўл ҳаракати

хавфсизлигини, оромгоҳда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш.

Ёшлар ишлари агентлиги – ёш ватандошлар учун фойдали ва қизиқарли тадбирларни ташкил этишда иштирок этади.

III. Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари

3.1 Лойиҳанинг мақсади:

- Хориждаги ёш ватандошларни тарихий ватани билан яқиндан таништириш;
- Улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш;
- Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва миллий маданий қадриятларни ривожлантириш.

3.2 Лойиҳанинг вазифалари:

- Ёш ватандошларни Янги Ўзбекистон ва миллий маданий мерос билан таништириш;
- Миллий урф-одат ва қадриятлар асосида турли тадбирлар ташкил этиш.

IV. Лойиҳани ташкил этиш тартиби

4.1 Номзодлар қуйидаги учта мезон асосида танлаб олинади:

- Истеъдоди;
- Мактабдаги ютуқлари;
- Мотивацион матн;
- Онлайн суҳбат натижалари.

4.2 Истеъдод мезони:

- Ўқувчининг фан олимпиадаларидаги ютуқлари;
- Санъат ва спортдаги ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар (сертификат, диплом, гувоҳнома) тақдим этилиши керак.

4.3 Мактабдаги ютуқлари:

- Мактабдаги сўнгги уч йиллик фанлар кесимида ўзлаштириш баҳолари (чораклик баҳолар).

4.4 Мотивацион матн мезони:

- Мотивацион матн сайтда ҳужжат топшириш жараёнида 50 тадан кам бўлманган 100 та сўз билан онлайн шаклда ёзилади. Номзод ўзи ҳақида ва ушбу лойиҳани нима учун танлагани, шахсий ютуқлари ҳақида ёзилиши керак.

4.5 Онлайн суҳбат:

- Танлов иштирокчиси хоббийси, ўқиш натижалари, ҳаётдаги шиори;
- Келажакдаги режалари ҳақида сўзлаб беради. Танлов иштирокчиси билан 10 дақиқалик онлайн суҳбат ташкил этилади.

V. Лойиҳа танловини ташкил этиш шартлари

5.1 Лойиҳа танлови Фонднинг <https://vatandoshlar.uz/anor> расмий сайти орқали онлайн тарзда ўтказилади.

5.2 Суҳбатлар ҳамда ZOOM, Telegramm ижтимоий тармоғида ўтказилади.

VI. Лойиҳада иштирок этиш шартлари

6.1 Лойиҳада хорижда истиқомат қилаётган ёш ватандошлар иштирок этишлари мумкин.

6.2 Танлов иштирокчиси ҳужжатлари нусхаси Фонднинг <https://vatandoshlar.uz/anor> расмий сайти орқали қабул қилинади.

6.3 Лойиҳа иштирокчилари тиббий суғурталаниши лозим.

6.4 Суғурта харажатлари иштирокчи томонидан қопланади.

VII. Лойиҳа танловини ташкил этиш муддатлари

7.1 Лойиҳанинг 2026 йилги мавсумига ҳужжатлар 1 апрелдан 1 майгача (шу куни ҳам) қабул қилинади. Фонднинг мазкур йилда ўтказилган лойиҳаларида ғолиб бўлиб махсус йўлланмани қўлга киритган ёш ватандошлар зарур ҳужжатларни ҳамда “Анор” лойиҳаси йўлланмасини электрон шаклда юклашлари мақсадга мувофиқ. Йўлланма фақат жорий йил учун амал қилади.

7.2 Ҳужжатлар топширилган вақтдан бошлаб иштирок этувчилар мазкур танлов бўйича фикр-мулоҳазаларини қолдиришлари учун сўровдан ўтишга таклиф этилади.

7.3 Танлов ҳужжатлари топширилгандан сўнг 15 кун ичида Хайъат аъзолари томонидан баҳоланади.

7.4 Танлов иштирокчилари билан суҳбат ўтказилади ва номзодлар суҳбат натижаларига кўра баҳоланади.

7.5 Танлов иштирокчилари 3 та мезонга кўра тўплаган умумий баҳолари асосида танлов Комиссияси томонидан якуний натижалар бўйича ғолиблар аниқланади.

7.6 Танлов ғолиблари эълон қилинади.

VIII. Лойиҳа танлови баҳолаш тартиби

8.1 Танловга келиб тушган ҳужжатлар ва ўтказилган суҳбат натижаларини баҳолаш қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади.

№	Танлов мезонлари	Баҳолаш
1.	Истеъдод	30 балл
2.	Мотивацион матн	20 балл
3.	Мактабдаги ютуқлари	20 балл
4.	Онлайн суҳбат натижалари	30 балл
Умумий		100 балл

8.2. Комиссия таркибига Республика Маънавият ва маърифат маркази,

таълим, маданият, санъат, спорт соҳаси вакиллари ва соҳаларнинг мустақил экспертлари киритилади.

8.3. Танлов натижасида энг кўп тўпланган максимал баллдан бошлаб юқоридан пастга қараб ҳисобланади.

IX. Ғолибларни аниқлаш тартиби

9.1 Танловда натижаларига кўра юқори ўринларни эгаллаган иштирокчилар танлов ғолиби деб ҳисобланади.

9.2 Фонд томонидан ёш ватандошлар учун ўтказилган турли танловларда 1-ўринни эгаллаб ғолиб ёки совриндор бўлган ёш ватандошлар ҳам мазкур танлов ғолибларига тенглаштирилади.

9.3 Танлов ғолиблари ва ғолибларга тенглаштирилган ёш ватандошлар Ўзбекистонда ташкил этиладиган ёзги дам олиш оромгоҳида дам олиш оромгоҳида дам олиш соврини сертификати билан тақдирланади.

9.4 Соврин сертификати эгалари Ўзбекистоннинг энг сўлим оромгоҳларидан бирида мутлоқо бепул 1 мавсумда (12 кун) дам оладилар.

X. Лойиҳа иштирокчиларини рағбатлантиришни ташкил этишнинг молиявий манбалари

10.1 Лойиҳани ташкил этиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча ҳаражатлар Фонд томонидан қопланади. Хориждаги ватандошларнинг Ўзбекистонга келиб-кетиш билан боғлиқ ҳаражатлари бундан мустасно.

XI. Лойиҳа иштирокчилари билан истиқболли ишлаш тартиби

11.1. Лойиҳага саралаб олиниб, юртимизга таклиф этилган ёш ватандошлар билан истиқболда қуйидаги тартибдаги ишлар амалга оширилади.

- иштирокчилардан иборат “Ёш ватандошлар” гуруҳи ташкил этилади ҳамда мақбул деб топилган ижтимоий тармоқда чат гуруҳи очилади;

- иштирокчилар орасидан таклифларга биноан гуруҳ сардорлари тайинланади;

- лойиҳада қатнашганлар лойиҳа доирасидаги маълумотларни доимий равишда таҳсил олаётган мактаб ёшлари орасида ва бошқа тадбирларда тарғибот ишларини олиб боради;

- Фонднинг хорижий мамлакатлардаги сафарлари давомида улар билан учрашувлар ташкил этиб борилади.

XII. Лойиҳа ташкилотчи ва ижрочилари жавобгарлиги

12.1 Лойиҳани самарали амалга оширилишига Фонд масъул

ҳисобланади.

12.2 Лойиҳа иштирокчилари хавфсизлиги учун дам олиш оромгоҳ маъмурияти жавобгар.

12.3 Лойиҳа иштирокчилари саломатлиги учун дам олиш оромгоҳи тиббиёт ходими жавобгар ҳисобланади.

12.4 Лойиҳа иштирокчилари ўртасида ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатишга оромгоҳ етакчилари масъул этиб тайинланади.

ХIII. Яқуний қоидалар

13.1 Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида бегиланган тартибда ҳал этилади.

13.2 Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.